



05.09.2019



Жорий йилнинг 28 август - 2 сентябрь кунлари Қозоғистоннинг «Спасск» ўқув полигонидан разведкачилар ўртасида «Олтин укки - 2019» халқаро мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Ҳиндистоннинг биттадан ҳамда Қозоғистоннинг 5 та жамоаси иштирок этди.

Юртдошларимиз мазкур халқаро мусобақада илк бор иштирок этишига қарамай, совриндорлар қаторидан ўрин эгаллашди. Ҳалаба мезбон давлат вакилларига насиб этган бўлса, россиялик разведкачилар ўзбекистонликлардан кейинги поғонадан жой олишди. Ҳарбий хизматчилар мусобақа давомида 12 та шарт бўйича беллашиб, махфий жойларни жиҳозлаш, мураккаб ҳудудларда разведка ва қидирув ишларини олиб бориш, шартли душмanning кутилмаган ҳужумларини қайтариш, сув тўсиқлардан ўтиш, ҳарбий топография, ўт очиш, муҳандислик каби мураккаб ўқув-жанговар машқларни бажарди. Ҳар бир гуруҳ 100 километрдан ортиқ масофани босиб ўтди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоасига Қозоғистон ҳарбий разведкасининг рамзи бўлган кумуш укки совға қилинди.

– Мусобақага пухта тайёргарлик кўрдик, – дейди жамоа сардори капитан Ҳусниддин Элмуродов. – Тунги шароитда 30 километрлик масофани ориентирлар ёрдамида босиб ўтиш шартини биринчи бўлиб бажарибгина қолмай, 4 соату 26 дақиқалик кўрсаткич билан мусобақа рекордини ўрнатдик.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида нуфузли мусобақа совриндорлари тантанали равишда кутиб олинди. Кенг жамоатчилик иштирок этган тадбир тантаналари пойтахтимиздаги ҳарбий қисмлардан бирида давом этди.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

66 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [“SAXOVAT” да медиа тур](#) [3]
- [2019 йил 37 сониди...](#) [4]
- [Тўй-ҳашамларни тартибга солиш бўйича қатъий қарор қабул қилинди](#) [5]
- [“Биз коррупцияга қаршимиз” мегатанлов ғолиблари тақдирланди](#) [6]
- [2019 йил 36 сониди...](#) [7]
- [Сўраганлар учун! \(2019 йил, 34-35 сон\)](#) [8]
- [Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони](#) [9]
- [Президент мустақиллик байрами муносабати билан 65 кишини афв қилди](#) [10]
- [Узум етказиб бериш ривожлантирилади](#) [11]
- [“Мен ғолиб” шиори остида ўтказилган мусобақада “Энг илғор артиллериячилар” аниқланди](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/5017>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/5017>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/5017>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/5031>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/5028>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/5025>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/5022>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/5018>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/5016>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/5007>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/5006>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/5002>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/5001>